O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

Хотира ва Қадрлаш деганда биз аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2007-yil ● 3-may ● Payshanba ● 53 (27.698) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ **ЎзХДП вилоят кенгашларида**

ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУС БИЛАН ИШЛАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг пленумида партия ташкилотларининг ўтган йилда амалга оширган ишлари ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили»да бажараётган вазифалари муҳокама қилинди. Партия ташкилотлари, аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаоллиги ва бошқа қатор долзарб ишлар хусусида сўз юритилди.

Андижон вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Одинахон Мадаминова маърузасида ортда қолган йилда партия ташкилотлари томонидан аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар қилинганлиги айтилди. Хусусан, партия кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия вакиллари — депутатлар, депутатлик гуруҳлари орқали электорат манфаати йўлида бир қанча ижобий ишлар рўёбга чиқарилди.

Жамоатчилик қабулхоналарининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлили кўрсатдики, бу тузилмага жойларда жами 1454 нафар фуқаро турли маслаларда мурожаат қилган. Уларнинг 944 таси ёки 65 фоизга яқини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар орқали ижобий ҳал қилинишига эришилди. Жорий йилнинг февраль ойи мобайнида 106 та фуқаро мурожаат қилди. Муҳими, кишиларда Жамоатчилик қабулхоналарига ишонч кучайди.

Ишонч бор жойда илгарилаш, амалий иш натижаси кўринади. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги партиядан сайланган депутатлар гуруҳининг ўтган фаолияти ҳам самарали бўлди. Улар ибратли ишларни амалга ошириш билан кўпчиликнинг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшдилар. Масалан, улар «Иш ва фаровонлик — барча учун!» шиори остидаги ҳаракатда фаол қатнашдилар. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ҳокимликлар, касаба уюшмалари, меҳнат жамоалари билан кенг кўламда ҳамкорлик қилинди. Депутат, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Қ.Парпиев 30 нафардан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон кишиларга доимий ғамхўрлик қилиб келяпти. У бир неча хонадоннинг турмуш шароити билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳам жонкуярлик қилди...

Шунинг билан бирга пленумда партия кенгашлари, ташкилотлари фаолиятида ташаббускорлик етишмаётгани, электорат билан ишлашда, масала ва муаммоларни чуқур ўрганиб мониторинг қилиш, ҳал этишда жонбозлик зарурлиги, эски услублардан воз кечиб, янги самарали технологиялардан ўринли фойдаланиш кераклиги айтилди.

Музокарада сўзга чиққан ЎзХДП Пахтаобод, Жалақудуқ, Избоскан туман кенгашлари раислари Х.Саидов, А.Қурбонов, Қ.Хўжаева, Хонобод шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Й.Холиқов, Жалақудуқ хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори М.Қурбоновларнинг янги-янги ташаббуслар билан ишлаш, халқ орасига дадил кириб бориш ҳақидаги айтган сўзлари кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Андижон вилояти партия кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Одинахон Мадаминова Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов иштирок этди ҳамда партия ташкилотлари олдидаги долзарб вазифалар хусусида маруза қилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *пленумдан лавҳа.*
Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

❖ **9 МАЙ — Хотира ва Қадрлаш куни**

МЕҲР ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

«Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг инсонпарварлик миссияси» — Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция шундай номланди

Ушбу тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Хотира хиёбони» республика жамоатчилик жамғармаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси кўмагида ташкил этилди. Конференцияда олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият арбоблари, уруш йилларида болалар уйларида тарбияланганлар, ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз ҳақиқий инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, фашистлар босиб олган ҳудудлардан келган юз минглаб қочқинларни ўз бағрига олди, деб таъкидланди конференцияда. Уруш даҳшатларини кўрган болалар азалдан ўзбек халқига хос бўлган меҳр ва саховатни ҳис этди. Уруш йилларида Ўзбекистон Россия, Украина, Болтиқбўйи, Польша ва бошқа мамлакатлардан келган 200 мингдан ортиқ болани қабул қилди.

Бу болалар давлат томонидан барча зарур нарсалар билан таъминланди, айни вақтда деярли бутун халқ, ҳар бир юртдошимиз имкон қадар уларга ёрдам берди. Болалар уйларида тарбияланаётган кичкинтойларни боқиб олишни истовчилар навбатда турарди — бундай ҳолат дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кузатилмаган. Кўплаб оилалар бир неча болани ўз фарзандидек қабул қилиб, тарбиялар, уларнинг уруш етказган қалб яраларига малҳам бўлиш учун бутун меҳрини бахш этар эди. Ўзбекистонга келиб, иккинчи уйини топган минглаб одамлар ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намоён этган ўзбек халқидан абадий миннатдордирлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу анъаналар янги маъно-мазмун билан бойиди. Инсон манфаатлари, биринчи галда болалар манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш Президент Ислом Каримов сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга давлат билан бир қаторда жамият ҳам ёрдам бермоқда. Айниқса, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, бошқа жамоат ташкилотлари мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган жорий йил вазифаларини бажаришда фаол қатнашмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан «Хотира хиёбони» республика жамоатчилик жамғармаси раиси С.Мансуров-Ковригенко, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори А.Голованов, Фанлар академияси Тарих институти илмий ходими Р.Шигабиддинов, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори И.Галушенко, тарих фанлари номзоди Г.Ўразаева ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Бундай хайрли анъаналарни нафақат сақлаб қолиш, балки ривожлантириш зарур, деб таъкидланди конференцияда. Чунки халқимизга хос бўлган бундай юксак инсонпарварлик тажрибаси ноёб бўлиб, ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этишга муносибдир.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан «Самарқанд — шарқ дурдонаси» мавзуида тадбир ташкил этилди. **ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши** ва «Самарқанд» газетаси ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирда уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, маҳалла маслаҳатчилари, тарихчи олимлар, ижодкорлар иштирок этди.

Хива туман партия кенгаши тумандаги педагогика касб-ҳунар коллежида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ушбу билим даргоҳида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрий ўқитувчи Роза Билолованинг 80 йиллигига бағишланган хотира тадбирини ўтказди.

Шунингдек, кураш бўйича мусобақа ҳам ташкил этилди. Ғолибларга туман партия кенгаши томонидан эсдалик совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИСИ»

Анъанавий «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови бу йил ўзига хос тарзда ўтказилмоқда. Жумладан, бошланғич таълим ва тарих фанлари бўйича йил ўқитувчисини аниқлаш баҳсларининг республика босқичи Наманган шаҳридаги 58-ихтисослашган мактабда бўлиб ўтди.

Иштирокчилар тўрт кун давомида «Муаммоли ва анъанавий дарс»ларда ўзларини синадилар, тест топшириб, компьютер саводхонлиги бўйича нималарга қодир эканликларини намойиш этдилар. Буларни аъло даражада уддалаган Наманган шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси Марғуба Миржалилова бошланғич таълим бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» деб топилди. Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Дурдона Қодирова иккинчи, Урганч шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси Умида Собирова эса учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Тарих фани бўйича ўтган танловда Хатирчи туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Юлдуз Йўлдошева 77,1 балл тўплаб, ғолибликни қўлга киритди. Учқўрғон туманидаги 4-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Мунажот Усмонова иккинчи, Урганч туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси Дармонжон Айтбоев учинчи ўринни эгалладилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ **Фахр-ифтихор**

ЎЗ ҚАДРИНИ АНГЛАЁТГАН ЮРТ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОҒИР ВАЗНДА ДУНЁ ЧЕМПИОНИ БЎЛГАН ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВНИ КУТИБ ОЛИШ ТАНТАНАЛАРИ, УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР ҲАҚИДАГИ ҲАЯЖОНЛИ ТУЙҒУЛАР, КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ЎЙЛАР...

Ўша тун Ўзбекистон ухламади, ҳаяжон уммонида кутди, кузатди, узоқдан бўлса-да, ғойибдан бўлса-да қўллаб-қувватлаб турди. Яратгандан, азиз авлиёлар руҳидан мадад сўрашди. Чунки, юрт фарзанди, ботир ўғлони ўзидан икки қарич баланд, уч пуд оғир, девкелбат рақиб билан майдонга чиқиб, ўз юрти, ўз халқи шарафини ҳимоя қилиши керак эди. Бу кураш замирида икки томоннинг шаъни, ори, ғурури турарди. Имкониятлар эса тенг эмасди. Россиялик Николай Валуевнинг нафақат бўйи 28 см. баланд ёки вазни 41 кг. оғир, айни чоғда профессионал боксдаги тажрибаси ҳам икки баробар кўп эди. У 46 та жанг ўтказиб, барчасида ғолиб чиққан, Руслан эса 23 учрашув ўтказиб 22 тасида ғалаба қозонган, биттасида дурангга эришганди.

Биз ҳамюртимиз ғалабасини юраклараклдан истаётган бўлсак-да, унинг рақиби имкониятларини ўйлаб, хавотирда эдик. Очиғи, шундай келбатли рақибни Руслан енгишига кўпчилик ишонмаганди. Ростдан ҳам ишониш қийин бўлган бир ҳолат эди. Ҳамюртимиз Руслан Чагаев эса ана шу мумкин бўлмаган ишнинг уддасидан чиқди! Қувончу ҳаяжонимиз қалбларимизга сиғмай кетди, фахр-ифтихордан, ғурурдан кўксимиз тоғ, бошимиз осмонга етгандай бўлди. Чинакам байрам бўлиб кетди, Ўзбекистон қалқиб кетди.

Тун ярмидан оққан бўлса-да қувончи, ғурури тўлиб-тошган, ўзига ишончи ошган ҳамюртларимиз кўчаларга отилиб чиқишди. Тошкентдан, Андижондан тортиб Оролбўйларигача барча вилоятларда, узоқ-узоқ қишлоқларгача — бутун Ўзбекистон қувончга, фахр-ифтихорга чўлғонди. Аразлашиб, гаплашмай юрган қўни-қўшнилар бир-бирларини қучиб табриклашди, ярашиб кетишди. Ҳамманинг уйида, кўнглида байрам эди. Кўчага чиққан ёшу кекса, таниш-нотаниш қучоқлашиб, бир-бирларини қутлашар эди. Одамлар бирлашган, халқ бирлашган, миллат бирлашганди, янада жипслашганди. Руслан эришган тарихий ғалабанинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам ана шунда эди.

4-бет

❖ **2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»**

«ЭКОСАН» АВТОПОЕЗДИ — ЖИЗЗАХДА

«ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик ташкилотининг автопоезди Жиззах вилоятига келди. Умумий қиймати 30 миллион сўмликка яқин юк ортилган автомашиналар Меҳрибонлик ва Мурувват уйларига, махсус мактаб-интернатларга йўл олди.

Ташкилот вакиллари Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи, Фориш ва Пахтакор туманидаги мактаб-интернатлар, Зомин туманидаги Мурувват уйи ҳамда Ғаллаоролдаги болалар санаторийси тарбияланувчиларига пайпоқ, пойабзал, жемпер, кўрпа жилдлари ва бошқа буюмлар тарқатди.

— Ушбу ижтимоий муассасаларда тарбияланувчилар учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилаётган бўлса-да, ташкилот ёрдами яна бир бор уларнинг кўнгилларини кўтаради, деб ўйлаймиз, — дейди «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг Жиззах вилоят бўлими раҳбари Барака Мирзаев. — Бундай хайрли тадбирлар халқимизга хос эзгу анъаналар давом этаётганини кўрсатади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ ЎзХДП: сиёсий ва фуқаролик маърифати

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАЛАШГА АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги доимий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Партияда ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасидаги ушбу семинар «Ўзбекистон давлат мустақиллиги ва ўз ривожланиш йўли. Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг стратегик устуворликлари, уларни амалга оширишда ЎзХДП ташкилотларининг вазифалари» мавзуига бағишланди. Унда партия Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент вилояти ва шаҳар партия фаоллари, Марказий Кенгаш экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Машғулотни ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева олиб борди.

Мавзу юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Руфат Раззоқов маруза қилди.

Семинарда партия ташкилотлари, етакчилар, депутатлар, сиёсий партиялар фаолияти учун кенг ҳуқуқий асослар яратилаётган бугунги шароитда янги-янги ташаббуслар ва фаоллик билан ишлашлари лозимлиги таъкидланди. Эътироф этилдики, Ўзбекистон иқтисодиёти мустаҳкам пойдевор асосида, ер ости ва устки ҳамда ташқи ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ривожланаяпти. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳали ишга солинмаган имкониятлардан ҳам оқилона фойдаланиш юртимизни янада тезроқ тараққий эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Семинарда кўтарилган масалалар атрофида қизғин мунозара, савол-жавоблар бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Анвар Шукуров, Алиқул Ўринбоев, Улуғбек Вафоев, партиянинг Учтепа туман кенгаши раиси Маҳмуд Собиров ва бошқалар ҳам мулоҳазаларини билдирдилар. Партия ташкилотларининг мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш жараёнлари, бу йўналишдаги эришилган ютуқлар мазмун-моҳиятини электорат орасида тарғиб этиш, тушунтириш, барча аъзоларни бунёдкорлик ишларида янада фаолроқ иштирок этишга сафарбар қилиш зарурлиги ҳақида таклифлар айтилди.

Энди шу мавзуга бағишланган семинарлар ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳам бўлиб ўтади.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ ВАЗИФА

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Нурота туманида ўтказилган навбатдаги семинар «Аҳолининг ижтимоий ҳимояси, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги» мавзуига бағишланди. Унда «Ижтимоий ҳимоя йили»да партия электорати манфаатларини янада мустаҳкам ҳимоя қилиш, бу борада партия ташкилотлари ва ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда сўзга чиққан ХДП вилоят кенгаши раиси Шерали Умаров, Нурота туман кенгаши раиси Тоҳир Одилов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси Олим Бобомуродов, Нурота туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Эркин Жўрақулов ва бошқалар муҳокама этилаётган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ ЎзХДП: электорат манфаати

ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИШ ТОПИЛАДИ

ДЕЙДИ ПАРТИЯМИЗ ФАОЛИ, ШОФИРКОН ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ БАҲРИДДИН ТЎРАЕВ

Мамлакатимиз Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жойларда аҳолини, шу жумладан Ўзбекистон Халқ демократик партияси электоратига мансуб кишиларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Партиянинг Шофиркон туман кенгаши ва туман меҳнат бўлими ҳамкорлигида мазкур қарорнинг ижросида фаол иштирок этиб, муайян натижаларга эришяптилар.

— Бизда, — дейди туман партия кенгаши раиси Баҳром Неъматов, — илгари ҳам касаначилик билан шуғулланадиганлар бор эди. Хусусан, «Нафиса» акциядорлик жамияти негизида қишлоқларда яшовчи аёллар уйларида гиламлар тўқиш, кўрпа-тўшак, ёстиқ жилдлари тикиш билан банд бўлардилар. Аммо, корхона иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолгач, касаначиликни давом эттириш қийин бўлиб қолган эди. Президентимиз Фармони билан бу иш яна қайта тикланди. Ҳозир туманимиздаги йирик саноат корхоналаридагина эмас, балки хусусий, кичик корхоналарда ҳам меҳнатнинг бу тури жуда оммалашиб бормоқда.

— Сирасини айтадиган бўлсак, — дея сўҳбатга аралашди туман меҳнат бўлими бошлиғи, ХДП аъзоси Баҳриддин Тўраев, — ишлайман деганга ҳамиша иш топилади. Ҳозир корхоналарда касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарор асосида қабул қилинган дастурга биноан 155 та янги иш ўрни яратилди.

«Шофиркон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти туманда биринчи бўлиб касаначиликка қўл урди.

— Бизда илгари асосан пахта қайта ишланарди, — дейди жамият ХДП бошланғич партия ташкилоти раиси Санокул Қозоқов. — Касаначилик йўлга қўйилгач, 50 дан зиёд ишчи ўрни юзага келди. Энди олис қишлоқларда яшовчи аёллар корхона буюртмаси ва етказиб берилаётган хомашё асосида пахта теришда ишлатиладиган этаклар, ғарамлар устини ёпишда қўлланиладиган брезентлар, ишчи коржомалари, қўлқоплар тикиб беришмоқда. Бу маҳсулотларимизнинг асосий харидори фермер хўжаликлари, қурилиш ташкилотлари бўлишяпти.

Меҳнатнинг бу янги усулидан ҳам корхона, ҳам касаначи катта манфаат кўрмоқда. Биргина ўтган йили мазкур корхона касаначилар томонидан тайёрланган маҳсулотлардан қарийб 13 миллион сўм фойда кўрди. Ҳозир корхонада сартарошлик, пойабзал таъмирлаш ҳам йўлга қўйилди.

— Илгари Алишер Навоий номли собиқ ширкат хўжалигида ишлардим, — дейди Мукаррам Жумаева. — Ширкат фермер хўжалигига айлантирилгач ишсиз қолдим. ЎзХДП туман кенгашининг Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилганимдан сўнг, пахта тозалаш заводида касаначилик йўлга қўйилганини билдим. Мана, бир йилдирки уйда ўтириб корхона буюртмасини бажаряпман.

Тумандаги ўрмон хўжалигида ҳам ўн нафар касаначи фаолият кўрсатмоқда. Улар тол новдасидан рўзғорбоп саватлар тўқиш билан чегараланмасдан супурги ҳам тайёрлашмоқда. Бу маҳсулотларга талаб кун сайин ортгани боис хўжалик 3 миллион 300 минг сўмлик фойда кўрди.

Шуни таъкидлаш керакки, туманда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар ҳам қарор ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, «Фарангиз Раззоқ қизи» хусусий корхонаси, «Асл-Анвар» агрофирмаси, «Ҳилола» хусусий корхоналарида каштадўзлик, миллий ва замонавий кийим-кечаклар тикиш билан шуғулланаётган ўнлаб касаначилар бугун шу билан оила тебратмоқда.

— Корхонамиз иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди туман марказидаги «Дилрабо чеварлари» хусусий корхонаси раҳбари, ХДП хайрихоҳи, ногирон Дилрабо Намозова. — 13 нафар қиз-жувонни касаначи сифатида ишга қабул қилиб кам бўлмадик. Улар миллий ва замонавий кийим-кечакларни уйда ўтириб тикишади. Тайёр маҳсулотни ўзимиз бориб, олиб келамиз. Ҳозир аёллардан яна ўн нафарига иш ўринлари ҳозирлаяпмиз.

Ҳа, бу хайрли қадамлар қишлоқ жойларида бандлик дастури ижросини таъминлашда жуда қўл келмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ОРЗУЛАРИ

Одатда, бирон-бир нарса сабаб бўлиб кўпдан буён кўришни орзу қилиб юрган жойингизга борсангизу, у ерда ўзингиз кутгандан ҳам зиёда ишларга гувоҳ бўлсангиз, беихтиёр қалбингиз ҳаяжонга тўлади, ширин таассуротлар оғушида қоласиз. Айниқса, ўтмиши буюк, бугуни бедор, келажаги ёруғ юртимизнинг чекка манзилларига, табиат инжиқликлари-ю ўзига хос қийинчиликларига қарамай мардонавор яшаб келаётган мард ва танти эл ичига сафар уюштирилса, туйғулар залвори янада ортади.

Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб ташкил этилган кўчма ҳайъат йиғилишида қатнашиб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Республикада мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини кўриб, жойларда бу ислоҳотлар самараси ўлароқ таълим-тарбияда эришилаётган ютуқларга баҳо бериш мақсадида ўтказилган ушбу йиғилиш баҳона қатор туманларда бўлдик, қалби кўҳна қалъалари каби чўнг қорақалпоқ халқининг фарзандлар истиқболи йўлидаги орзу-интилишлари ҳақида фикрлашдик.



ТЎРТКЎЛ ТААССУРОТЛАРИ

Сафаримиз дастлаб Тўрткўл туманидаги «Семурғ» номли мактабгача тарбия муассасаси фаолияти билан танишишдан бошланди. Санаторий-соғломлаштириш типидаги мазкур масканда бугун 320 нафар бола тарбияланар экан. Уларга жами 32 нафар тарбиячи, компьютер, инглиз тили, мусиқа, жисмоний тарбия ўқитувчилари таълим-тарбия беришади. Шунингдек, логопед ва психолог фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Боғча мудираси Олмахон Хўжаниёзованинг таъкидлашича, муассасада асосий эътибор боланинг тўғри парваришланишига қаратиларкан. Чунки, бу ерда экологик вазиятдан келиб чиқиб кичкинтойларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш ғоятда муҳим.

— Ҳар бир кичкинтой — бир олам, — дейди тайёрлаш гуруҳи раҳбари, «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови совриндори Мақсуда Серкбаева. — Айниқса, «бола ҳар куни боғчага байрамона кайфиятда келсин», деган шиор бизнинг асосий иш мезонимизга айланган.

Ушбу боғчада эътиборимизни жажжи қизалоқлар томонидан ижро этилган концерт дастури тортди. Беш ёшли Нигина Мамашарипова ўзига жуда ярашган либосда ўйнаб:

Мустақил она-юртнинг
Мен бир жажжи қизиман.
Юртбошим орзу қилган,
Келажакнинг ўзиман

— дея қўшиқ куйлаганида барчанинг қалби жунбушга келди. Анжуман қатнашчилари кўнгилда ана шундай эзгу туйғулар билан сафаримиз дастуридан жой олган Беруний туманига йўл олдик.

Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари мутасаддиларидан иборат гуруҳ билан биргаликда дастлаб тумандаги 5-тип спорт комплекси фаолияти билан танишдик. Сўнг «Навоий» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги ўтган йили янгидан қуриб фойдаланишга топширилган 11-умумтаълим мактабини бориб кўрдик.

315 ўринли мазкур мактаб наинки дид билан қурилгани, балки барча замонавий қулайликларга эгалиги билан ҳам кўпчиликда зўр таассурот қолдирди. Мактабда ҳатто қўриқчилар хизмати йўлга қўйилган, ўқув қуроллари дўкони ишлаб турибди. Ичкаридаги шароит эса таҳсинга лойиқ. Таълим даргоҳига жами 98 миллион сўмлик мебель жиҳозлари, ўқув-техник воситалар келтириб ўрнатилган.

«Эскисига қараганда, янги мактабимиз анча чиройли, — дейди 8-синф ўқувчиси Нафиса Матниёзова. — Менга айниқса, компьютер синфимиз ёқади». Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ниёзжон Боониёзованинг таъкидлашича, янги мактабга ўтишлари билан ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари ҳам ортган.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда мактабларга бунчалик эътибор қаратилар экан, бу ислоҳотларнинг бош ижрочиси — энг аввало ўқитувчи-мураббийлар эканлигини бир зум ҳам унутмаслик лозим. Чунки, таълим самарадорлиги, ўқувчи билими ўқитувчининг малака ва тажрибасига бевосита боғлиқ.

Пойтахт вилоятининг Тошкент туманидаги Абдурахмонов номли мева-узум агрофирмаси ҳудудида жойлашган «Ўзбекистон» маҳалласида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг мурувват тадбири ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент тумани бўлими ушбу тадбир ташаббускори бўлди. Бу ерга пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятининг қатор туманларида истиқомат қилаётган боқувчисини йўқотганлар, меҳрга ташна болажонлар, кам таъминланганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари таклиф этилди.

МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Эҳтиёжмандларга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал ва дори-дармонлардан иборат совғалари топширилди. «Фалак нури» масъулияти чекланган жамияти ҳамда эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Акфа» корхонаси бу тадбирга ўз ҳомийлик ёрдамлари билан бош-қош бўлишди.

— Сахий одам ўзини кўз-кўз қилиш учун, миннат учун иш қилмайди, — дейди **Абдурахмонов номли мева-узум агрофирмаси раҳбари Абдурахим Абдурахмонов.** — Саховат фақат мол-мулк кўпайганда бировга ҳиммат кўрсатиш эмас, балки борини биргаликда баҳам кўриш ҳамдир.

— Айни дамларда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш аньанага айланиб бормоқда, — **дейди тадбир ҳомийларидан бири Гулсара Қаюмова.** — Бу бир томондан моддий рағбат олган инсонларни қувонтирса, иккинчидан, одамлар ўртасида меҳр-оқибатнинг кучайишига, боқувчисини йўқотган, ота-она меҳридан йироқда улғаяётган кичкинтойлар қалбида эзгу-туйғуларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Ана шундай тадбирлар Янгийўл, Оҳангарон туманларида уюштирилди. Эндиликда Оққўрғон, Пискент туманлари, Ангрен ва бошқа кўплаб шаҳарларда ўтказилиши режалаштирилган.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Банк ва мижоз

МИКРОСАРМОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ДЕЙИШМОҚДА «МИКРОКРЕДИТБАНК» ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ

Риштон қадим-қадимдан кулолчилик ватани ҳисобланади. Бу ерда минг йиллар давомида кўплаб моҳир усталар етишиб чиққан. Қўли гул усталар томонидан яратилган буюмлар бугун ҳам кўпгина халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, мамлакатимиз шуҳратини оширишга хизмат қилиб келмоқда. Анъаналарга содиқ қолган риштонлик кулоллар буюк аждодлар меросини янада бойитишга ҳаракат қилишаётир.

Якка тартибдаги тадбиркор Озоджон Бобоев ҳам шундайлардан бири. Бир неча йилдирки ота-боболари касбини улуғлаб келмоқда. У яратган сопол буюмлар — лаган, кўза, хум ва гулдонлар наинки Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам машҳур. Негаки, юртимизга ташриф буюраётган чет эллик сайёҳлар бу маҳсулотларни эсдалик сифатида кўплаб сотиб олаётирлар.

Ўтган йили Озоджон Бобоев ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга қарор қилди. Шу боис бироз сармоя олиш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Фарғона вилоят бошқармасининг Риштон бўлимига мурожаат қилди. Қисқа муддатда йиллик 5 фоизли 500 минг сўм микрокредит ажратилди. Тадбиркор қўшимча 2 та ишчи ўрни яратишга эришди.

Яқинда биз «Микрокредитбанк»нинг Қўқон шаҳридаги минибанкида «Сулаймон Муддасира» хусусий корхонаси раҳбари Мирзошохруҳ Исроиловни учратиб қолдик. У беҳад шод эди. Сабабини суриштирдик.

— Қўқонда кейинги пайтларда қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёж тобора ошиб бораётганлигини ҳис қилдим, — дейди у. — Айниқса, безакли плиткаларга талаб кучайиб бораётир. Йўлакларга териладиган плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бироқ айланма маблағни вужудга келтириш учун қўл қисқалик қилиб қолди. Тажрибали дўстларим маслаҳат беришди. «Микрокредитбанк»нинг Қўқон минибанкига мурожаат этдим. Ўтган йили менга 5 млн. 400 минг сўм, йиллик 14 фоизли микрокредит беришди. Қисқа муддатда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга эришдик. Қўшимча олтита ишчи ўрни ҳам яратдик. Пировардида 2007 йилнинг 1 январига қадар 8 млн. 740 минг сўмлик товар айланмасига эришдик.

«Микрокредитбанк» АТБ Фарғона вилояти бошқармаси айни кунларда энг чекка ҳудудларгача, у ерда яшаётган ҳар бир хонадонгача кириб бориб, уларни микромолиявий хизматлардан баҳраманд этишга ҳаракат қилаяпти. Жойларда жами 23 та минибанк мавжуд бўлиб, уларда 142 нафар малакали ходим фаолият юритмоқда. Шу боис банк мижозлари тобора кўпайиб боряпти. Атиги бир йил ичида мижозлар сони 6 мингтага яқинлашганлиги фикримиз далилидир. Уларнинг нақд пулга бўлган талаблари ойма-ой қондириб келинмоқда.

Маълумки, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмай, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила фаровонлигининг манбаи эса бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки аввалари оила даромади асосан иш ҳақидан таркиб топар эди. Энди эса ҳар бир оила кичик бизнесга асосланган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк бошқармасида аҳолининг, айниқса, ёш оилаларнинг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини яхшилаш учун тегишли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, хонадонларда шахсий чорвачиликни ривожлантиришга кенг ўрин берилаётир. Уй бекалари бўлмиш хотин-қизларга қулай шароитлар яратилаётир. Уларга қисқа фурсатда имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда. Чунончи, ёш оилалар учун 1 йил давомида 48 млн. сўм имтиёзли кредит бериш режалаштирилган эди. Аслида эса 49,3 млн. сўм маблағ шу мақсадларга йўналтирилди.

Айниқса, тадбиркор аёллар учун яхши шароитлар яратилаётир. Бунинг учун 139,1 млн. сўм ўрнига 140,1 млн. сўм молиявий мадад берилди.

Банк бошқармаси Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бўлими билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Унга кўра, жамғарманинг жойлардаги вакиллари муносиб тадбиркорлар билан алоқани йўлга қўйишга кўмаклашиб келмоқда. Ҳар бир маҳалла идорасида микросармояларнинг шартлари ва ҳажми, шунингдек, банк хизмат турлари тўғрисида батафсил ахборот берувчи лавҳалар ҳамда бошқа кўргазмали тарғибот воситалари мавжуд. Микросармоялаш бўйича туманлар ва ҳар бир маҳалла бўйича дастур тузилди. Банк жамоаси юқори малакали мутахассислар билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида иш юритишга қодир мутахассислар ҳисобига бойитилди.

Буларнинг барчаси банкнинг қисқа муддатда эл орасида катта обрў орттиришига олиб келди. Айниқса, ҳунармандчилик, зардўзлик, кулолчилик, тикувчилик, миллий мебеллар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркорлар, касаначи аёллар банк хизматидан мамнун. Шу йилнинг 1-чорагидаёқ якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш учун банк бошқармаси томонидан 578,9 млн. сўм микрокредит ажратилганлиги фикримиз далилидир. Бунинг натижасида 685 та янги ишчи ўринлари яратилганлиги қувончли, албатта.

Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишнинг қулай жиҳатлари кейинги пайтда ҳар бир фуқаро эътиборини тортмоқда. Айниқса, фермер хўжаликлари ҳисоб-китобларни бу усулда олиб боришнинг қулайлигини эътироф этмоқдалар. Электрон ҳамёнлар нақд пул оқимини барқарорлаштириш билан биргаликда савдо шохобчалари ва банк филиалларида қўшимча муомала харажатларини камайтиришга олиб келмоқда. Шуни назарда тутган бошқарма жамоаси ўз мижозларига 3 минг донага яқин «Сўм» пластик карточкаларини тарқатди. Ушбу пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари кўнгилдагидек давом этади. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига 25 дан ортиқ савдо терминаллари ўрнатилган. Бугунги кунда терминаллар ўрнатиш ва пластик карточкаларни эмиссия қилишни янада кўпайтириш ҳамда уларни даромад манбаига айлантириш бўйича аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб этиш борасидаги тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда тизимдаги «Она юрт», «Тежамкор коммуналчи», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Тадбиркор», «Орзу», «Ҳомий», «Шифокор» сингари 14 турдаги омонат турлари жорий этилди. Айниқса, пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатадиган ва йиллик 20 фоиз даромад келтирадиган «Хазина-карт» омонати қулайлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортаяпти.

Хуллас, «Микрокредитбанк» АТБ Фарғона вилоят бошқармаси ўзининг барча саъй-ҳаракатларини мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кўпайтиришга, вилоятдаги ҳар бир оилани, ҳар бир фуқарони яратувчилик ишига жалб этишга сафарбар қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, микросармоялар тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилаётир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ИЖОБАТ ЭЛ

27-28 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КЎЧМА ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Бугун Қорақалпоғистоннинг ўзига хос маданият ва санъат ўчоғига айланган Элликқалъа туманидаги учрашувлар ҳам ана шундай самимий руҳда кечди. Бу ерга ташрифимиз дастлаб мустақиллик йиллари барпо этилган «Устозга эҳтиром» мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди.

Мажмуа атрофи ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар билан гавжум. Туман ҳокими Неъматилла Худойберганов устозларга чексиз меҳр ва эҳтиром намунаси сифатида қад ростлаган мажмуа ҳақида гапириб, «Бундай ишлардан мақсад — ўқитувчи-мураббийларнинг ҳаётда ва жамиятда нечоғли олий мартабага эга эканлигини англатишдан иборат», деди.

Туманда бугун фарзандлар келажагига қанчалик қайғурилаётганини замонавий қиёфадаги таълим муассасалари, жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номи билан аталувчи академик лицей, Отажон Худойшукуров номидаги санъат коллежи, шунингдек, яна қатор илм масканлари мисолида кўриш мумкин. Яна бир гап. Туман марказидаги муҳташам Санъат саройи бу йилдан бошлаб ўқувчилар ихтиёрига берилибди.

Шу куни туман ёшлари «Биз Президент фарзандларимиз» номли байрам дастурини йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

МИНГ БОРА ЭШИТГАНДАН...

Бирор оламшумул ютуқ ёки кўпчиликни ҳайратлантирган иш ҳақида қанчалик гапирмайлик, бир маротаба кўрганга етмайди. Нукусдаги таассуротларимиз ҳам худди шундай бўлди. Сафаримизнинг иккинчи куни шаҳардаги ўтган йил фойдаланишга топширилган кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт манежи фаолияти ана шундай хулосаларга сабаб бўлди.

— Ушбу мажмуанинг лойиҳа қиймати 5 миллиард 8 миллион сўм бўлиб, бу ерда 500 нафар бола бир вақтнинг ўзида спортнинг 14 тури билан шуғулланиш имкониятига эга, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Бухарбой Қалибоев.

Масканда спортчилар учун барча қулайлик ва шароитлар яратилган. Хусусан, томошабинлар учун 462 ўриндиқли жой, 2 та гардероб, буфет, конференция зали, ювиниш ҳоналари мавжуд. Бадиий гимнастика залида машғулот олиб бораётган ёш гимнастикачи қизларнинг чиройли ҳаракатлари кишини бефарқ қолдирмайди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туробжон Жўраев спорт мактабида шуғулланаётган ёшларга футбол ва волейбол тўпларини совға қилди, улар билан суҳбатлашди.

Йиғилиш дастуридан ўрин олган Хўжайли туманидаги 1-сон «Меҳрибонлик уйи» билан танишув ҳам ана шундай қизғин таассуротларга, самимий мулоқотларга бой бўлди.

Шу куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг мажлислар залида «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг Қорақалпоғистонда бажарилишига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг апрель ойига мўлжалланган кўчма мажлиси якунлари бўйича ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистонда бўлиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан умуммиллий дастур доирасида таълимни ривожлантириш, соҳага тегишли муаммоларни ҳал қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар билан танишарканмиз, бугун бу саъй-ҳаракатлар ўзининг самарасини бераётганига, бу қутлуғ заминда орзули авлод вояга етаётганига ишонч ҳосил қилдик. Бу ишонч кўнгилда ифтихор уйғотади, янги умидлар сари руҳлантиради, бизни келажак сари етаклайди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

✧✧✧

Суратларда: *Қорақалпоғистон таълим муассасалари фаолиятидан лавҳалар.*

Владимир ГРАНКИН
олган суратлар

❖ **9 МАЙ — Хотира ва Қадрлаш куни**

ЎТГАНЛАР ЁДДА, НУРОНИЙЛАР ЭСА ЭЪЗОЗДА

— Маълумки, 1999 йилдан бери мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбонов. — Хотира ва Қадрлаш — тирикликнинг азалий мезони. Муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, саховат, ҳиммат, меҳр-мурувват каби фазилатлар ушбу тушунчалар билан бирга ўйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга тўла инсонгина аждодларини доимо хотирлайди, келажак йўлида тер тўкаётганларнинг қадрига етади.

Одамзотга кулфат ва фожиалар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши жабру жафоси мамлакатимиздаги бирон-бир хонадонни четлаб ўтган эмас. Жумладан, Бухоро вилоятидан урушга кетган 74 минг мард йигитдан 30 минг нафарининг қабри ўзга юртларда қолиб кетгани фикримиз далилидир. Урушдан қайтганнинг кўплари жангларда олган жароҳатлари туфайли навқирон ёшида вафот этиб кетишди. Уларнинг номи бугун «Хотира китоби»да муҳрланган. Бухоронинг муқаддас қадамжоси — Сомонийлар боғидаги Хотира хиёбонининг кўркам айвонларидаги «китоб»лар саҳифалари эса уларни ҳали-ҳануз ҳеч ким ёддан чиқармаганини эслатиб туради.

— Ҳар гал шу ерга келсам кўнглим анча таскин топади, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ғиждувонлик Шоди Ражабов. — Чунки, бу ерда мен билан фронтга кетган ҳамқишлоқларимнинг номлари барҳаёт.

— Уруш қатнашчиларининг энг ёши тахминан бугун саксонда бўлиб, ўтган йили уларнинг 1132 нафари мазкур байрамни биз билан қаршилагани, — дейди «Нуроний» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими раиси, ЎзХДП аъзоси Ориф Хўжаев. — Халқимизда инсон ғанимат деб бежиз айтилмаган. Шу боис ҳар доим бирбиримизга меҳр-оқибатли бўлишимиз керак.

Ҳақ гап. Бугун вилоятда уларнинг соғлом ва сермазмун ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда қарилик гаштини сураётган 45 мингдан зиёд фахрийларга, уларнинг оила аъзоларига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Даволаш муассасалари ва сиҳатгоҳларда эса юзлаб отахону онахонлар дам олиб, ўз соғликларини тиклашмоқда.

— Бу йил бир юз етти баҳорни қаршиладим, — дейди Бухоро туманидаги Хумин қишлоғида яшовчи Норбиби Турсунова. — Эл-улус эътиборидаман. Ҳеч нарсадан зориқмайман. «Шерзод Шариф» фермер хўжалиги раҳбари Шавкатжон Рустамов эса ҳолимдан тез-тез хабар олиб туради. Истиқлолнинг қадрига етиш, ўтганларни ҳамиша ёдда тутиб, изза тини жойига қўйишда хосият кўп. Бу менинг ёшларга насиҳатим.

Бугун вилоятда Норбиби аяга ўхшаган юздан ошган 163 нафар онахон ва отахонлар умргузаронлик қилишмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан 462 нафар якка-ёлғиз қария, 1009 нафар уруш ногирони ва қатнашчиси, 11288 нафар фронт ортида меҳнат қилган, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, Чернобиль АЭС ҳалокати туфайли жабр кўрган 373 нафар кишининг оиласи коммунал хизмат тўловлари учун ҳар ой ёрдам пули билан таъминланиб турибди.

— Биз Президентимизни ҳамиша дуо қиламиз, — дейди вобкентлик уруш фахрийси, ЎзХДП аъзоси Султон Ҳамроев. — У киши бизларга беқиёс эътибор ва ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бунга жавобан биз қариялар ёшлар ўртасида ўтганлар хотираси олдида таъзим бажо келтириш, кексаларни қадрлаш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини тушунтирмоқдамиз.

Ҳа, шу кунларда вилоят мактаблари, ўқув юртларида Жунайд Олимов, Абдулла Музаффаров, Марат Аҳмедов, Эгам Олимов, Сулаймон Юсупов, Шоимқул Яхшиев сингари ўнлаб партиядошларимиз бўлган нуронийлар «Инсон — азиз, хотираси — муқаддас», «Оталар ибрати — тарбия мактаби» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказишмоқда. Бундай тарғиботташвиқот ишлари ёшларда Ватанга муҳаббат, кексаларга ҳурмат, ўтганлар руҳига эҳтиром туйғуларини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Баҳрон ДАВРОНОВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Самарқанд халқаро аэропортидаги расмий меҳмонларни кутиб олиш зали.

Қурилиш ишларини бажариш муддати: 4 ой.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давдат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили:
Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони, 1-уй.
Телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Г, 208-хона.
Телефон: 233-32-00.
Факс: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида соат 17.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САЙЛОВЛАР

ЎТКАЗИЛИШИ ЮЗАСИДАН ОЛИЙ РАДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Украина Олий Радаси бир йўла навбатдан ташқари икки сайловни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди, дея хабар беради «РБК-Украина» ахборот агентлиги. Шундай қилиб, шу йил 9 декабрдан кечикмаган ҳолда навбатдан ташқари президент ва халқ депутатлари сайловлари ўтказиладиган бўлди. Сайловларга тайёргарлик кўриш учун 90 кун муҳлат белгиланди. Марказий сайлов комиссиясига эса қонунчилик бўйича сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва ўз пайтида сайловларга тайёргарлик кўриш мажбурияти юкланди.

Махсус комиссия эса навбатдан ташқари сайловлар ўтказиш бўйича президент ва бошқа вакилларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда ўзгартишлар киритилган Украина Конституциясининг янги лойиҳасини шу йил 15 июнгача тайёрлаши лозим. 10 июнгача халқ депутатлари сайловлари тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда президент сайлови тўғрисида қонунга ўзгартишлар киритиш парламент зиммасига топширилди.

Бир ойдан бери давом этаётган Украинадаги митинглар ҳақида шуни айтиш мумкинки, намойишчилар сони камайиб бормоқда. 3 мингга яқин намойишчи ҳукумат-парламент коалициясини қўллаб-қувватлаб, майдонларда тикланган «палаткали шаҳарча»да яшамоқда. Конституциявий суд биноси олдида эса 100 киши қолди холос.

Марказий сайлов комиссияси раиси Ярослав Давидовичнинг маълум қилишича, президентнинг 24 июнда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш тўғрисидаги фармонига биноан муҳолифатдаги «Наша Украина» ва «Юлия Тимошенко блоки» Марказий сайлов комиссиясига номзодлар рўйхатини тақдим этди. Коалицияга бириккан учта партия эса («Регионлар партияси», Коммунистик партия ва Социалистик партия) президент белгилаган навбатдан ташқари сайловларда қатнашишни рад этмоқда. Улар президент фармонининг қонуний ёки ноқонуний-лиги юзасидан чиқариладиган Конституциявий суд қарорини кутишмоқда.

Яна бир гап. Президент Виктор Ющенко куни кеча Конституциявий суднинг яна бир судьяси Сюзанна Станикни вазифасидан озод этди. Бир кун аввал Конституциявий суд раиси ўринбосари Валерий Пшеничнийни ишдан бўшатган эди. Президент уларни қасамёдни бузганликда айбламоқда. Коалиция эса президентнинг бу қароридан норози бўлиб, Конституциявий судга тазйиқ ўтказаётганликда айблади.



ЎН БИРИНЧИ МАЙГАЧА

ТАЛЛИНДА ҲАР ҚАНДАЙ ОММАВИЙ ЙИҒИН ЎТКАЗИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Маълумки, 27 апрелдан 30 апрелгача Таллинда оммавий тартибсизликлар бўлган эди. Бу ҳақда газетамизнинг аввалги сонида хабар бергандик. Эстония полицияси яна шундай тартибсизликлар юз беришининг олдини олиш мақсадида 11 майгача Таллин шаҳрида ҳар қандай оммавий йиғинлар ўтказилишини тақиқлади.

«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, бу муддат яна узайтирилиши мумкин экан.

ПАРТИЯ ЕТАКЧИСИ

ЎЗ ТАРАФДОРЛАРИНИ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРМАСЛИККА ЧАҚИРДИ

Франция «Миллий фронт» партияси етакчиси, президентликка номзодини қўйиб, биринчи тур сайловларида мағлубиятга учраган Жан-Мари Ле Пен ўз тарафдорларини 6 май куни бўлиб ўтадиган президент сайловларининг иккинчи турида иккала номзод учун ҳам овоз бермасликка чақирди. Шундай қилиб, у Социалистик партиядан номзоди кўрсатилган Сеголен Руаял ва «Халқ ҳаракати бирлиги учун» партиясидан номзод Николя Саркозини 10,44 фоизлик қўллаб-қувватловдан маҳрум этди.

Умуман, Ле Пен ўз тарафдорларини иккинчи тур сайловларига бойкот эълон қилишга чақирди.

«Reuters» ахборот агентлигининг эслатишича, 22 апрель куни бўлиб ўтган биринчи тур президентлик сайловларида Николя Саркози — 31,11, Сеголен Руаял — 25,84, «центристлар»дан номзод Франсуа Байру — 18,55, «Миллий фронт»дан номзод Жан-Мари Ле Пен 11 фоизга яқин овоз олган.

«...ҚАЧОНГАЧА ЕЛКАМИЗДА КЎТАРИБ ЮРАМИЗ»

ДЕДИ ПРЕЗИДЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА ҚАРАТА

Белорусия президенти Александр Лукашенко мамлакат халқига ва Миллий мажлисга мурожаат этиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан шуғулланувчи турли ташкилотлар ва хўжаликларни қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан бериладиган кўмак энди бундан буён тўхталишини маълум қилди. «Барча хўжаликларга ва ташкилотларга шу пайтгача давлат кўмак бериб келди. Бунга ўрганиб қолган хўжаликлар эса эндиликда «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш юритмоқдалар. Чала уйқудаги бу ташкилот ва хўжаликларни қачонгача елкамизда кўтариб юрамиз?», деди президент.

Унинг айтишича, қишлоқ хўжалиги соҳаси давлат дотациясисиз ҳам даромадли соҳа бўлиши лозим. Шундай экан бу соҳа кишилари кимнингдир кўмагига кўз тикиб турмай, қишлоқ хўжалигини даромадли соҳага айлантириш йўлларини ўрганишлари шарт.

— Республика раҳбарининг маълумотларида қайд этилишича, — дейилади «БЕЛТА» ахборот агентлиги хабарида, — 2006 йилда 3 мингга яқин хўжалик ва ташкилот давлат томонидан бир миллиард доллардан ортиқ субсидия билан таъминланган, лекин уларнинг учдан бир қисми ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганлар. Бу йил эса фақат янги технологиялар асосида иш юритувчи ташкилот ва хўжаликларгагина давлат дотацияси берилади.

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ ШУНИ КЎРСАТМОҚДАКИ

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИЛАР ҲАМ БОР, ҚАРШИЛАР ҲАМ

Литвадаги «Sprinter turimai» агентлиги республика аҳолиси орасида сўров ўтказди. Натижалардан шу нарса маълум бўлдики, Литва аҳолисининг 50 фоизи республика ҳарбийларининг халқаро миссияларда иштирок этишига қарши. 40 фоизи эса аксинча фикр билдирган.

Сўров иштирокчиларининг 56,3 фоизи Ироқ ҳаётига ҳарбийлар аралашувидан норозилигини баён этган. Улар Ироқдан чет эл ҳарбийлари тезда олиб чиқиб кетилишини қўллаб-қувватлашини айтган.

Шуни қўшимча қилиш лозимки, сўралганларнинг 52 фоизи халқаро миссияларда республика ҳарбийларининг қатнашиши улар малакаси ошишига ижобий таъсир этишини тан олган, 36 фоизи эса қарши фикр билдирган.

Сўров республиканинг 95 та манзилида, 18 дан 65 ёшгача бўлган 1003 нафар фуқаро орасида ўтказилди.

ЯНГИ САЙЁРАДА

ҲАЁТ БОР БЎЛИШИ МУМКИН

Европанинг 11 нафар астрономи Чили ҳудудидаги обсерватория ёрдамида Қуёш тизимидан нарида — Мезон буржида янги сайёрани кашф этдилар.

«Gliese 581» деб номланувчи бу сайёрада аниқланган белгилар унда суюқ ҳолдаги сув бор, демак, ҳаёт ҳам бор, деган тахминни илгари суришга асос бўлмоқда.

«Коинотда ҳаёт бор-йўқлигини аниқлаш бўйича олиб борилаётган илмий ишлар орасида бу кашфиёт улкан қадам бўлди», деди тадқиқотчи олим, Женева университетининг астрономи Мишел Майор.

«Associated Press» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, мазкур сайёрада ҳарорат худди Ердагидек. Демак, бу сайёрада атмосфера

мавжуд бўлиши мумкин, деган тахмин ҳам йўқ эмас. У «Митти қирмизлар» дея номланувчи юлдузлар атрофида айланади. «Митти қирмизлар» унчалик катта бўлмаган юлдузлар бўлиб, ёши Қуёшдан ҳам улуғдир. Бундан бир неча йиллар аввал олимлар бу юлдузлар атрофида айланувчи сайёраларда у ёки бу турда ҳаёт бўлиши мумкин, деган тахминни илгари сургандилар.

«Gliese 581» сайёраси Ердан беш марта оғир бўлиб, Ердан 20,5 ёруғлик йилига тенг узоқликда жойлашган. Унга етиб бориш учун инсон умри етмайди.

❖ Фахр-ифтихор

ЎЗ ҚАДРИНИ АНГЛАЁТГАН ЮРТ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОҒИР ВАЗНДА ДУНЁ ЧЕМПИОНИ БЎЛГАН ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВНИ КУТИБ ОЛИШ ТАНТАНАЛАРИ, УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР ҲАҚИДАГИ ҲАЯЖОНЛИ ТУЙҒУЛАР, КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ЎЙЛАР...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу буюк ғалабани нишонлаш асносида яна бир улуғ воқеа содир бўлди — халқимиз ўзининг бир жон, бир тан эканлигини ёрқин намоён этди. Чемпионимиз, қаҳрамонимиз меҳнати муносиб қадрланган, тантанали кутиб олиниши, унга кўрсатилган иззат-икромнинг ўзи бир мавзу, бир янгилик бўлди. Ҳозирча бу масалага унчалик эътибор бермаётган бўлишимиз мумкин. Аммо, ҳаяжонлар, эҳтиролар бироз босилгач, бу ҳақда чуқуррок ўйлаш вақти келади, албатта. Русланнинг Тошкентда тантанавор кутиб олиниши, мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилиниши, муносиб тақдирланиши, қатор учрашувлар — ҳамма-ҳаммаси замирида мустақиллик берган улуғ саодат ётибдики, бу ҳақда беихтиёр гапиргинг, кўксингга сиғмаётган қувончу шодликни, ўй-фикрни кимгадир айтгинг келаверади. Хотирангда яқин ўтмишдаги айрим воқеалар уйғонади.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган, кўп орзулари армон бўлиб ёшлик кўчаларида қолиб кетган, бугун ёшлари қирқ ва элликдан нари бўлганлар яхши билишади, илгариги замонда спортга, спортчига, бизга муносабат қандай бўлганини. Аввало, собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибига кириш бир азоб эди. Ҳар хил сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш, ноҳақлик ва нописандликларга бардош беришга тўғри келарди. Акс ҳолда терма жамоадан четда қолиб кетарди, хорижга чиқолмасди, катта мусобақаларда қатнашолмасди. Ўз кучи, иқтидорини намоён этолмаган ношуд одамдек бир четда қолиб кетаверарди. Бугун дунё кўриб турибди Ўзбекистон фарзандлари нималарга қодирлигини, тан бераяпти, эътироф этаяпти. Халқимиз ўз ғолиб фарзандини қандай кутиб олганини ҳам.

Бундай ғалабани, байрамни, эмин-эркинликни яқин ўтмишда кўрганмидик? Бундай қувончли, ғурурли кунлар бўлганмиди? Ўша замондаги воқеалар ёдимизда ҳали. Озиб-ёзиб, омади юришиб, халқаро мусобақаларга бориб, ғолиб бўлиб қайтганларни ҳозиргидай кутиб олиш қайда эди. Асосан қариндош-уруғлари ва спорт ташкилотидан номигагина битта-иккита вакил чиқиб кутиб олар, баъзан бу ҳам бўлмасди. Мукофотлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Одатда бирорта телевизор, магнитофон, гилам ёки 400-500 сўм пул бериларди. Ҳатто Руфат Рисқиев мамлакатимиз боксчиларидан биринчи бўлиб жаҳон чемпионлигини қўлга киритганида ҳам Тошкент аэропортида нари борса юз нафар одам кутиб олган эди. Бухоролик самбочи Собир Қурбонов жаҳон чемпиони бўлиб қайтганида ҳатто кутиб олишга ҳеч ким чиқмаган. Ўшанда унинг мураббийи Геннадий Калеткиннинг айтганлари ёдимда. «Менку майли, ёшим катта, кўнглимга қаттиқ олмасман. Лекин Собир нима деб ўйлайди, хафа бўлмайдими, руҳига таъсир қилмайдими? Унга нима дейишни билолмадим. Аэропортдан тўғри уйимга кетдим, Собир ҳам».

Бундай воқеалар кўп бўлган. Ғолиб спортчини хоҳлаганингдек тантанали кутиб олиш урф бўлмаган, очиғи, спортчи ғалабаси моҳияти ҳам унчалик тушунилмасди. Энг нозик жойи, тантанали кутиб олиш маросимини ўтказиш учун собиқ марказдаги мутасадди идорадан рухсат сўраш керак эди. Акс ҳолда бунинг учун жавоб беришга, жазо олишга тўғри келарди. Масъулиятдан чўчилгани боис ҳамма ўз тинчини ўйларди. Спортчи меҳнати ўзининг муносиб баҳосини, қадрини топмасди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, спортга, спортчи меҳнатига муносабат тубдан ўзгарди. Юртбошимиз ташаббуси билан спортга оид қатор қонунлар, қарорлар, фармонлар қабул қилинди, махсус мукофотлар, орден, медаллар таъсис этилди, имтиёзлар яратилди. Халқаро мусобақаларда Ватан шаънини муносиб ҳимоя этган спортчилар меҳнатларини ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантириш такомиллашиб бораётир. Биргина мисол, сўнгги икки ёзги Олимпиада ўйинлари ғолиблари учун дунёдаги манаман деган қатор катта мамлакатлар мукофоти эллик минг АҚШ долларидан ошмади, Ўзбекистонда эса бундай мукофот фонди 100 минг АҚШ доллари қилиб белгиланди.

Спортчиларни тантанали кутиб олиш маросимлари эса йил сайин оммалашиб бормоқда. Собиқ тузум давридаги кўрқув, лоқайдлик қийинчилик билан бўлса-да чекиниб, янгиликка, эркинликка тобора кенгроқ қулоч очиб бораяпмиз. Яқин-яқингача изтироб билан ўйлардик, гапирардик, «бир ватандошимиз чемпион бўлса-ю одамларимиз нега жим ўтиришади, нега кўчаларга отилиб чиқиб, байрам қилишмайди», деб. Ҳатто спортчиларимизнинг улкан ғалабалари аҳамиятини кўпчилик тушунмаётганидан қуюнардик. Ўз чемпионини қандай кутиб олишни халқимиз бу гал ўрнига қўйди, қўлни-қўлга бериб, елкама-елка туриб, бир жон, бир тан бўлиб кутиб олди ўз қаҳрамонини.

Биз бир гуруҳ пойтахтлик ижодкорлар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт фахрийлари билан биргаликда Тошкент халқаро аэропортида Руслан Чагаевни кутиб олиш бахтига муяссар бўлдик. Самолёт трапи олдида карнай-сурнай, олқишлар янгради, гуллар поёндоз бўлди. Майдон четида, аэропорт биноси атрофида қўлларида Ўзбекистон байроғини силкитиб юзлаб одамлар турарди. Руслан билан бирга келган «Universum-box promotion» профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль, Германиядаги оммавий газеталардан бири «Welt Kompakt» мухбири ва бир тележурналист ҳамда бошқа меҳмонлар самолётдан тушишлари билан бу тантанали манзарани кўриб ҳайратга тушишгани юз-кўзларидан сезилиб турарди. Руслан худдики, оқ отга миндирилгандек оқ автомобилга чиқарилди. Унинг ёнида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турарди. Унинг машинаси ортидан ҳамроҳлари ва кузатувчилар ўтирган ўндан ошиқ машиналар колоннаси аэропорт ҳудудидан чиқиб, йўлнинг икки четида гуллар, байроқлар, шиорлар кўтариб турган одамлар орасидан секинлик билан шаҳар маркази томон йўл олди. Ватандошларимиз, айниқса, ёшларнинг қувончи чексиз эди. Улар олқишлашиб, қийқириб Русланга ўз миннатдорчилик ва ҳурматларини изҳор этишаётган эди. Руслан ва унинг ҳамроҳларига мўлжалланган қароргоҳга яқинлашгач, яқин-атрофдаги маҳаллалардан каттаю кичик юзлаб одамлар, болалардан тортиб қарияларгача, онахонларгача қувонч билан, ғурур билан чемпионни кутиб олишди...

...Орадан икки кун ўтгач, меҳмонхонада Руслан билан суҳбатлашаётганимда кутиб олиш маросими ҳақидаги таассуротини сўрадим. Унинг сўзларини айнан келтираман:

— Тўғриси, бунчалик бўлишини кутмаган эдим. Франкфуртдан учганимизда «Руслан, сени аэропортда одамлар кутишяпти» дейишди. Мен одатдагидек кутиб олиш-да, деб ўйладим.

Самолёт тўхтаганида промоутерим, германиялик журналистлар ойнадан пастга қараб, «О...ҳо-оо, одамлар кўплигини қара» дейишди ҳаяжонланиб. Самолёт эшиги очилиб, мен байроғимизни кўтариб чиққанимда одамлар кўплигини кўриб, карнай овозини эшитиб, биласизми... буни тушунтириб беролмайман, хурсандлигимдан бақириб юборгим келди. Тушдим. Ҳамма бағрига босган. Одамлар кўзида қувонч... Эсанкираб қолдим. Кейин машинага ўтириб йўлга чиқдик ва яна ҳайратим ошди. Мен машинада кўчага чиқиб тўхтасак керак, деб ўйлагандим. Машина шаҳар марказига қараб юргач, янаям қаттиқ ҳаяжонландим. Йўл чети одамлар билан тўла, қўлларида гуллар, расмим туширилган турли шиорлар. Ёшлар «Руслан Чагаев» деб қичқириб олқишлаяпти. Меҳмонхонагача шундай бўлди. Бу ҳурматни кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Тўғриси, ғалабам одамларни бунчалик қувонтиради деб ўйламагандим.

Кейин промоутерим Петер Коль гапириб берди, қувонганидан йиғлаб юборибди. Йўлда келаётиб, уйига қўнғироқ қилиб, хотинига «Мана, қара, бизни қандай кутиб олишяпти», деб қўл телефонини машина ойнасидан ташқари чиқариб одамлар томонга қаратибди.

Немис журналистлари ҳам спортчини бунақа кутиб олинишини ҳеч қаерда кўрмаганмиз, дейишди. Меҳмонхонада уйларига қўнғироқ қилиб, гапириб беришди. Оддий фарзандининг ғалабасидан бунчалик шодланган халқни кўрмаганмиз, билмаймиз, дейишди. Кузатаётганимизда улар имконимиз бўлганида бир ойга қолардик, дейишди».

Дарҳақиқат, халқ ўз чемпиони, қаҳрамонини муносиб кутиб олди. Бу ғалаба қадр-қиммати, аҳамиятини яхши билгани, ҳис этгани учун ҳам чемпионга пешвоз чиқиб, елкама-елка туриб, шоду хуррамлик, қувонч, фахр-ифтихор билан кутиб олди.

Суҳбат охирлашаётганда Русландан Президентимиз қабулидан олган таассуротини сўрадим.

— Бундай бўлишига ишонмагандим. Учрашув жуда самимий ўтди. Президентимиз билан гаплашаяпману қаттиқ ҳаяжон босди. Ҳалигача ўзимга келолмаяпман. «Руслан, сен менинг ўғлимсан, халқнинг ўғлисан, сенинг орқангда халқимиз турди, сенга куч тилади» деганларида ишончи оқлаганимдан, Юртбошимизга берган сўзимнинг устидан чиққанлигимдан жуда хурсанд бўлдим. Менга яна бир гап қаттиқ таъсир қилди, улар айтдиларки, сен ҳеч қачон унутма, қандай юртнинг фарзанди эканингни, бу ердан кўп улуғ одамлар чиққан,... Уларни ёдингдан чиқарма, улар руҳи сени қўллайди. Бу гаплар умрим охиригача ёдимдан чиқмайди, халқимиз, Президентимиз кўз олдимда туради.

— Андижонда ҳам сизни катта тантана билан кутиб олишди. Ўзингиз ўқиган мактабга борганингизда хаёлга нималар келди?

— Ўзим ўқиган биринчи синф хонасига коридордан кетаётганимда аям қўлимдан ушлаб шу мактабга биринчи синфга олиб келгани ёдимга тушди. Болалигимни, ўзимизнинг парталарни, синфдошларни эсладим. Кириб келяпман, болалар, ўқитувчилар барчаси хурсанд. Биринчи ўқитувчим Галина Студиникина билан учрашдим, у яхши устоз, жуда меҳрибон. Ҳаммамиз биргаликда суратга тушдик. Ўқувчиларга ўзимнинг болалигимни гапириб бердим... Булар ҳаммаси ҳаётимдаги энг бахтли кунлар деб ўйлайман...

Андижонда бир қийналганим онамнинг йўқликлари бўлди. Доим кутиб олардилар, кўп суҳбатлашардик. Онам шу кунларни кўрмагани, ёнимда туриб хурсанд бўлмаганидан қаттиқ қийналдим... Аммо руҳлари кўриб турибди, руҳлари шод бўлди деб ўйлайман...

Унинг овозида титроқ сезилди, бошқа гапиролмай кўзларини ерга қададди.

Шу тобда Русланнинг хаёлидан нималар ўтаётганини ҳис этиш қийин эмас эди, албатта. Болалар боғчасига, мактабга етаклаб борган ҳам шу онаси эди, илк ғалабаларидан ҳаммадан кўп қувонган ҳам шу онаси эди. Руслан ҳар ғалабасидан сўнг рингдан тушибоқ, баъзан рингнинг ўзида биринчи бўлиб онасига қўнғироқ қилиб, хушхабарни етказар эди. Онасини қувонтиришни жуда-жуда хоҳларди. Онаси қанчалик хурсандлигини кўриб, ич-ичидан суюнарди. Энди эса...

Руслан Тошкентга келганининг эртаси куни Олимпия шон-шуҳрат музейида бўлган матбуот анжуманидаги бир воқеа кўз ўнгимга келади.

Руслани кутиб олиш учун Андижондан келган бир гуруҳ меҳмонлар ҳам даврада ўтиришувди. Савол-жавоблар ниҳоясига етгач, Руслан ўрнидан туриб шундай деди: «Бу ерда менинг биринчи ўқитувчим Галина Николаевна ўтирибди. Рухсат этинглар, мен у кишини табрикламоқчиман».

У стол устида турган бир даста атиргулни қўлига олиб, залда ўтирганлар томон юрди. Кўзлари қувончдан порлаб турган эллик ёшлардаги аёл ўрнидан туриб келиб, Русланни бағрига босди. У тўлиб-тошиб Русланнинг ғалабасидан шодлиги ҳақида гапираркан, жумладан шундай деди: «Мен сени ўғлим деганман, мени онанг ўрнида кўр», деди уни яна бағрига босаркан.

Кишининг вужуди титраб кетади, бундан юрак ҳапқиради, онгу шуурингда нимадир чақнагандек туюлади. Англаб бўлмайдиган, айтиб бўлмайдиган ҳаяжон кўксингда ўт бўлиб ёнади. Ва яна ўйлайсан, бугун қанча-қанча оналар уни «ўғлим», дея ифтихор билан бағрига босишга интиқ турибди. Юртимизнинг ҳамма оналари бугун унга «Руслан, мен сенинг онангман», дея қучоқ очиб турибди. Бугун она Ўзбекистон уни бағрига босиб турибди, «ғолиб ўғлоним, ботир ўғлоним», дея фахр-ифтихорга тўлиб турибди... Ватаннинг асл фарзанди бўлиш қанчалик улуғ бахт!..

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

❖ Халқаро кўргазма

Афинада «Сайёҳлик манзаралари» деб номланган 12-халқаро сайёҳлик кўргазмаси ниҳоясига етди. Мазкур нуфузли сайёҳлик анжуманида иштирок этиш учун Греция пойтахтига жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан 430 дан ортиқ сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари келишди.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

АФИНАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тўрт кун давом этган бу кўргазма билан 35 минг нафардан зиёд киши танишди. Ўзбек халқ амалий санъати намуналари, шунингдек, мамлакатимизнинг тарихи ва бугунги кўни, миллий маданият ва анъаналаримиз, юртимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилаётган ютуқларга бағишланган видео ҳамда босма ахборот материаллари, диёримиздаги энг оммабоп сайёҳлик йўналишлари намойиш этилган Ўзбекистон павильони кўргазма меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. У «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва мамлакатимизнинг Грециядаги бош консуллиги билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ўзбекистон экспозицияни томоша қилишга келган меҳмонлар эътиборига миллий рақс ва фольклор гуруҳларининг чиқишлари ҳавола этилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ичимликлар ҳамда миллий таомларимиз меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон вакилларининг «Сайёҳлик манзаралари»даги иштироки туфайли Греция аҳолиси юртимиз билан яқиндан танишгани баробарида Буюк ипак йўлининг бетакрор сайёҳлик йўналишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот олиш имконига эга бўлдилар.

«Жаҳон» АА
Афина.

❖ Тадбир

МИЛЛИЙ МЕРОС ВА ЁШЛАР

Тошкент молия институтида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти ва «Ёш куч» журнали таҳририяти ҳамкорлигида «Миллий мерос ва ёшлар маънавияти» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори юзасидан фикр-мулоҳаза билдириб, ушбу қарорни амалга ошириш, қоларерса, миллий-маданий меросни асрашда ёшлар олдидаги вазифалар хусусида тўхталдилар.

Шунингдек, учрашувда миллий маданиятимизни ривожлантиришда санъатнинг, адабиёт ва шеъриятнинг аҳамияти тўғрисида ҳам илиқ фикрлар айтилди. Тадбирга жамғарма қошидаги «Муножот» ансамбли чиқишлари ўзгача файз киритди.

Малоҳат РАҲМАТОВА

❖ Интер-спорт

ФИФА ТАЙЁРГАРЛИК СУСТЛИГИДАН ХАВОТИРДА

Маълумки, 2010 йили футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати Жанубий Африка Республикасида ўтказилиши кўзда тутилган. ФИФА президенти Йозеф Блаттер катта футбол байрамига тайёргарлик ишлари суст бораётганлигидан ташвишланаётганини баён қилди. Унинг сўзларига қараганда, ЖАР чемпионатга тайёргарлик ишларини муддатида якунламаса, футбол мусобақасига мезбонлик ривожланган мамлакатлардан бирига берилиши мумкин экан. ЖАРда қурилиш ишлари мўлжалланган муддатдан анча орқада бораётгани ФИФА президентини хавотирга солмоқда. Гап шундаки, Африканинг бу мамлакатида шу пайтгача янги меҳмонхона қурилиши бошланмаган ҳамда транспорт муаммолари ҳал этилмаган экан.

«Умуман олганда, Германияда ўтказилган жаҳон чемпионати олдидан ҳам ана шундай аҳвол юз берган эди, — дейди ФИФА президенти. — Лекин бизда бундай нохушликнинг олдини олиш имкониятлари етарли эди. Албатта, жаҳон чемпионатини кутилмаганда бошқа мамлакатда ўтказишга қарор қилиш камдан-кам учрайдиган воқеа. Борди-ю, шундай ҳолат юз берадиган бўлса, бугун эмас эртагаёқ бундай катта футбол байрамини ўтказишга тайёр бўлган Англия, Испания, Австралия, АҚШ, Мексика, Япония каби мамлакатлар бор». Президентнинг таъкидлашича, 2018 йилги жаҳон чемпионати Осиё мамлакатларидан бирида бўлиши мумкин экан.

ДАРВОЗАБОН НЕГА КАЛТАКЛАНДИ?

1998 йилги жаҳон ва 2000 йилги Европа чемпиони, Франция терма жамоасининг тажрибали дарвозабони Фабьен Бартез ашаддий мухлислар томонидан калтакланган. Бунга у иштирок этаётган «Нант» клубининг мамлакат чемпионатида «Ренно» жамоасига қарши учрашувда (0:2) имкониятни бой бериши сабаб бўлган. Мазкур учрашувдан кейин дарвозабон ўз машинасига ўтираётганда беш нафар ишқибоз унинг бўйнидан тортиб машинадан чиқаришган. Дарвозабон ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлган. «Бу нохушликнинг футболга алоқаси йўқ, деб ўйлайман, — дейди Бартез. — Мухлисларни тушунса бўлади. Ҳар қандай қўполлик ҳам одоб доирасида бўлгани маъқул. Нима бўлганда ҳам бу воқеадан кейин мен «Нант» клубида ўйнашни давом эттиролмайман. Чунки ўзимни ҳам, оиламни ҳам хавотирга солишни истамайман».

Эслатамиз, 35 ёшли Фабьен «Нант» дарвозасини қўриклаш учун бор-йўғи ярим йилга шартнома тузган эди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
11212 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 23.30
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda